ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2026 / № 1,3

Termiz – 2026

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro'yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko'chirma va ma'lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko'chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.03.2026
Qog'oz bichimi: 70x85
Bosma tabog'i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog'ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko'chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko'chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
https://journaltersu.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV,
iqtisodiyot fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY'ATI:

Bekpo'lat Umurqulov, filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o'rinbosari)
Shoxista Maxmaraimova, filologiya fanlari doktori, professor (mas'ul muharrir)
O'ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O'zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Zabita Mahammad qizi Teymurlu, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent (Ozarbayjon)
Tarana Imomverdi qizi Xojieva, filologiya fanlari doktori, professor (Ozarbayjon),
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O'zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O'zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O'zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O'zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O'zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O'zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O'zbekiston)
Murodqosim Abdiyev, f.f.d., professor (O'zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O'zbekiston)
Normat Y o'ldoshev, f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Baxtiyor Xolmuxamedov, f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O'zbekiston)
Asqar Eshmo'minov, f.f.d., professor (O'zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O'zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)
Nargis Qurbonazarova, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Shoira Omonturdiyeva, f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Sherzod Turdiqulov, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)
Alibek Omonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)
Humayun Nadim Muhammad, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To'raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.03.2026
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
https://journaltersu.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ,
доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)
Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)
Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (. PhD), доцент (Узбекистан)
Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)
Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)
Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)
Забита Магомед кызы Теймурлу, доктор философии по филологии, доцент (Азербайджан)
Тарана Имамверди гызы Хаджиева, доктор наук, профессор (Азербайджан)
Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Мурадкасим Абдиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нормат Юлдашев, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Бахтиёр Холмухамедов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Бобоназар Муртазаев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)
Аскар Эшмуминов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)
Зафар Умуркулов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Ахад Шукуров, д.ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Абдумурод Арслонов, д. ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Сирожиддин Турдимуродов, д. ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Наргис Курбаназарова, д. ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Муяссар Холова, д.ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Шаира Амонтурдиева, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Шерзад Турдикулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Алибек Омонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хумаюн Надим Мухаммад, д.ф.ф.н., доцент (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.03.2026
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
https://journaltersu.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV,
doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Zabita Magomed kyzy Teymurlu, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Azerbaijan)
Tarana Imamverdi gizi Khadzhieva, Doctor of Sciences, Professor (Azerbaijan)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muradkasim Abdiyev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, doct. of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Kholmukhamedov, doct. of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, doct. of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, Doctor of Philosophy in Philology (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, Doctor of Philosophy in Philology (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Shoira Omonturdiyeva, doct. of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Sherzod Turdikulov, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Alibek Omonturdiev, Doctor of Philosophy in Philology (Uzbekistan)
Humayun Nadim Muhammad, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

MAMMADOVA SHAKAR,
XAMIDOV MANSUR
Ozarbayjon va o‘zbek tillaridagi somatik frazeologizmlarning qiyosiy-tipologik tahlili 7

YAKUBOVA NILUFAR EGAMBERGANOVNA
O‘zak va qolip (vazn) nazariyasi arabiy o‘zlashmalarni
tahlil qilishning asosiy mezoni sifatida 12

SAMANDAROV RUSTAM DO‘SYOROVICH
Tilshunoslik fani taraqqiyotida applikativ modelning murakkab
sintaktik qurilmalar shakllanishidagi o‘rni 17

ИШАНХАНОВА МУХЛИСАБОНУ ТУРГУНОВНА
Арабская лингвистическая традиция VII–XVII вв.: формирование
интеллектуального стиля и инструментов сохранения языковой нормы 21

ALIMOVA ZARIFAXON VAXOBOVNA
MAMAROZIQOVA SUG‘DIYONA SHUXRATJON QIZI
Jomiyning «Yusuf va Zulayho» dostonida forsiy o‘rin-joy yasovchi affikslarining qo‘llanilishi 25

TO‘YCHIYEVA ZULAYXO HAMROQO‘LOVNA,
YERJANOVA SAULE BAYMURZAYEVNA
Mahmud Koshg‘ariyning «Devony lug‘oti-t-turk» asarida keltirilgan
maqollardagi so‘zlarning semantik-stilistik xususiyatlari 29

SADULLAYEVA MATLYUBA AXROROVNA
Ahmad Yassaviy ijodining ramziy tili va undagi raqamli tasavvuf 33

SOTVOLDIYEV SIROJIDDIN MAXAMMADDIN O‘G‘LI
Arab tilida enantiosemiya hodisasi: semantik tabiati va ilmiy talqinlar tahlili 36

PANJIEVA NASIBA NARMAXMATOVNA
SAIBNAZAROVA NAZOKAT
English proverbs with number components 39

ЛАТИПОВ АЗИЗ АКБАРАЛИЕВИЧ
Сопоставительная характеристика категории
фазовости в английском и узбекском языкознании 42

AMONOV MUXTORJON UMAROVICH
«Boburnoma» asaridagi arabcha o‘zlashmalarda antonimlik 45

ОРИФЗОДА МАДИНА КАМИЛОВНА,
ОРИФЗОДА БОНУ КАМИЛОВНА
Системное изучение словообразовательной омонимии
в ретроспективном и перспективном аспектах 48

SABIROV ASROR ABDULLAYEVICH
Nemis–o‘zbek siyosiy terminlarining semantik va stilistik xususiyatlari 52

IBRAXIMOVA IRODA BOBIR QIZI
O‘zbekistonda til siyosati va ingliz tilining rivoji 56

TURSUNOVA MARXABO RAXMONOVNA
Jojo Moyesning «To seni topgunimcha» romanida kognitiv dissonans fenomenining
psixologik va lingvistik talqini hamda uning tarjimashunoslikdagi ifodasi 60

ARZIMURODOVA E’ZOZA BERDIMUROD QIZI
Zamonaviy mobil aloqa terminlarida transliteratsiya strategiyalari: ingliz va o‘zbek tillari qiyosida 64

BOZOROVA SEVARA KAMOL QIZI
Savdo konsepti doirasida sinonimiya (o‘zbek va ingliz tillari misolida) 68

КАРИМОВА ГУЗАЛ ИХТИЯРОВНА
Лингвокультурологический аспект концепта и его изучение в разных языках 71

MAXAMMATOVA FERUZA OLIMOVNA
O‘tkir Rahmat she’riyatida sinonim so‘zlarning qo‘llanishi haqida ayrim mulohazalar 76

МУНДАРИЖА

MUSTAFOEVA MAKSAD ASKAROVNA
The structural and linguistic analysis of anthroponyms in «Beowuf» and «Alpomish» folk epics 79

NOSIROVA DILNOZA RIZOKULOVNA
Semantic and pragmatic features of john green's novels in contemporary young adult literature 82

RAXIMOVA ZARINA UKTAMOVNA
O'smirlar psixologiyasining lingvopoetik ifodasi va tarjimada ichki monolog hamda emotsional tasvir 87

RAXMATOVA GULNOZA ISOXONOVNA
O'zbek tilidagi so'roq olmoshlari va so'roq yuklamalarining ingliz tilidagisi bilan qiyosi 90

BERDIYEVA SITORA UTKEROVNA
G'afur G'ulomning «Shum bola» asarida yumorning badiiy funksiyalarining lingvistik jihatlari 93

SHAMSITDINOVA MOXINABONU AKBAR QIZI
Yapon tilida omonimlardan foydalanishda nutqiy strategiyalar 98

ADABIYOTSHUNOSLIK

ШОФИЕВ ОБИДЖОН БАХТИЁРОВИЧ
Телба образининг бадиий талқини
(Эркин Аъзамнинг «Сув ёқалаб» ва «Танҳо қайиқ» киноқиссалари мисолида) 100

ASQAROVA ZULAYXO YANGIBOYEVNA
Muhammad Rizo Ogahiyning «Riyozu-d-davla» asaridagi ta'rixlarning badiiy-estetik qimmati 104

MAMADJONOVA SEVARA MAXAMADJON QIZI
Adabiyotshunoslikda dualizm tushunchasining nazariy va
metodologik asoslari (Agata Kristi poetikasi misolida) 109

RAHIMOVA SARVINOZ TOLIBOVNA
Usmon Azimning «Devorlari yiqilgan bog'» hamda «Yana sevgi haqida she'rlar»
asarlaridagi simulyakra va boshqa postmodern xususiyatlar ifodasi 112

СААКЯН РОЗА ЮРЬЕВНА
Поэтика полемического жанра в памфлетной публицистике
Даниэля Дефо и Жжонатана Свифта 115

SHAMSIYEVA SHOXISTAXON QUDRATULLAYEVNA
Gender rollarni aks ettiruvchi stereotiplar 119

НАСРИДИНОВА СИТОРА УТКИРОВНА
Мотив отсутствия и присутствия как средство создания
напряжения в рассказе Джека Ритчи «Отсутствие эмили» 125

BAFOYEVA ROXILA VALIJON QIZI
Amerika hamda o'zbek postmodern adabiyoti xususiyatlari 128

KHAKIMOVA NARGIZA KHAYRILLOYEVNA
Mythological origins of the epics "Arthuriana" and "Alpamysh" 131

TA'LIM

TILOVOVA GO'ZAL RUSTAMOVNA
Ta'lim jarayonida o'quv izohli lug'atlardan foydalanishning nazariy va amaliy ahamiyati 135

YULDASHEVA DILAFRUZ
The role of teacher instruction in efl classrooms: a discourse-oriented analysis
of their importance in teaching young learners 138

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2026; 3
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

ТЕЛБА ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ
(Эркин Аъзамнинг «Сув ёқалаб» ва «Танҳо қайиқ» киноқиссалари мисолида)

Шофиев Обиджон Бахтиёрович,
Термиз давлат университети мустақил изланувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Эркин Аъзам ижодида девонасифат, телбароқ ва руҳий носоғлом образлар ҳам учрайди. Айниқса, бу киноқиссаларда намоён бўлади. Мазкур ҳолат ушбу қаҳрамонларнинг фақат сюжетни ҳаракатга келтирувчи эпизодик фигура эмас, балки муайян бадиий-маъновий вазифани бажарувчи поэтик механизм сифатида кўрсатади. Шу боис, бадиий адабиётда мазкур типнинг шаклланиши ва функцияларига қисқача назарий экскурс қилиш зарурати туғилади.

Маълумки, жаҳон адабиёти тарихида девонасифат, масхарабоз ёки «телба» образлари мавжуд бўлиб, улар ҳақиқатни айтиш функциясини бажарувчи поэтик-фалсафий тип сифатида талқин қилинади. Айниқса, инглиз драматурги Уильям Шекспер трагедияларидаги масхарабоз (Fool) образи мазкур анъананинг энг мукаммал намунаси ҳисобланади. «Қирол Лир» трагедиясида масхарабоз ҳокимият, манфаат ва риёга ботган муҳитда айтилиши мумкин бўлмаган ҳақиқатни ҳазил, киноя ва телбалик ниқоби орқали ифода этади.

Машҳур адабиёт назариётчиси М.Бахтин «Романда замон ва хронотоп шакллари» тадқиқотида айёр, масхарабоз ва телба образларининг асосий хусусиятини уларнинг «бу дунёга бегоналиги» билан боғлайди. Олимга кўра, бу сиймолар турмушдаги ёлғон, сохталик ва расмий ниқобларни ошкор қилиш функциясини бажаради. Уларнинг нутқи ва хатти-ҳаракати тўғридан-тўғри эмас, балки кўчма маъно орқали ҳақиқатни очишга хизмат қилади. Шу боис, мазкур образлар адабиётда ижтимоий ниқобларни ечиш ва маънавий ҳақиқатни юзага чиқариш воситаси сифатида талқин қилинади [1].

Жаҳон адабиётида шаклланган ушбу поэтик анъана ўзбек мумтоз ва янги давр насрида ҳам кенг учрайди. Хусусан, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги «Қовоқ девонанинг белбоғи»[2] фаслида тасвирланган девонасифат образ миллий бадиий модел сифатида диққатга сазовордир. Қовоқ девона асарда эпизодик қаҳрамон бўлишига қарамай, рамзий-маъновий юкламага эга тип сифатида қатнашади. Унинг ташқи кўриниши, ҳаракатлари ва нутқидаги беандозалик биринчи қарашда кулгили таассурот уйғотса-да, кейинчалик ёвузликни интуитив равишда фарқлаш қобилиятига эга қаҳрамон сифатида намоён бўлади. Айниқса, асарда «кўз оғриғи», яъни ёвуз ниятли Содиқ билан мулоқот жараёнида мазкур хусусият яққол очилади.

Эркин Аъзам киноқиссаларида мазкур типдаги образлар кўп ҳолларда ташқи кўриниши ва хатти-ҳаракатлари жиҳатидан «безори», девонасифат қиёфада тасвирланади. Хусусан, «Сув ёқалаб» киноқиссасида Ўрин Жага дастлаб ташқи жиҳатдан жанжалкаш ва тартибга бўйсунмас қаҳрамон сифатида гавдаланади:

«Ҳозир бу ерда Ўрин Жага хўжайин. Мироб ҳам, арбоб ҳам ўзи. Қишлоқда уни кўрган катта-кичик зир титрамаса ҳам, бир сесканиши бор. Важоҳати чатоқ-да. Кўзлар чақчайган, ўқдай тешаман деб туради. Башарани ҳар хил чандиғу тиртиқ «безаган». Оёқ-қўл ва баданнинг-ку соғ жойи йўқ – ватанга муҳаббатдан тортиб беҳисоб ишқ жафоларигача турли йўсинда ифодасини топган. Юрганда бўйнини ичкари тортиб, худди ҳозироқ муштлашувга киришиб кетадиган каби, муштлари кўкракда шай, хезланиб, атрофга безовта аланглаб юради. Қисқаси, ўтган асрнинг эллигинчи-олтмишинчи йилларидаги худо урган безорини кўрмадим деманг! Ўрин Жага қулоқбошини расмона қароргоҳга айлантириб олган»[3].

Қулоқбошидаги қароргоҳ манзараси, унинг беандоза хатти-ҳаракатлари, нутқ услуби ва қўпол ташқи қиёфаси бу образни ижтимоий меъёрлар-

[1] Қаранг: Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари (тарихий поэтикадан очерклар). Рус тилидан Узоқ Жўрақулов таржимаси. – Т.: Akademnashr, 2015. – Б.137.
[2] Қаранг: Қодирий А. Ўткан кунлар. Роман. – Т.: Sharq, 2009. – Б. 156-160.
[3] Аъзам Э. Сув ёқалаб / Танҳо қайиқ: киноқиссалар. – Т.: Шарқ, 2017. – Б.16.

дан четда турган маргинал шахс сифатида қабул қилишга ундайди. Бироқ асар ривожи давомида мазкур ташқи қиёфа ортидаги асл моҳият босқичма-босқич очила боради.

Хусусан, Болта Мардон билан муносабатда Ўрин Жаганинг ҳақиқатга садоқати ва инсоний хотирага вафодорлиги яққол намоён бўлади. У сув тақсимотида «қонун» ва «сиёсий масала»ни баҳона қилиб қаршилик кўрсатган бўлса-да, Болта Мардон шахси олдида муросага келишини манфаатпарастлик эмас, балки ўтмишда кўрсатилган яхшиликни унутмаслик, миннатдорлик ва виждон мезони билан изоҳлаш мумкин. Қаҳрамоннинг «Сув-ку сув, керак бўлса, жонимни ҳам беришга тайёрман» деган сўзлари ташқи жиҳатдан эҳтиросли ифода сифатида қабул қилинса-да, мазмунан инсоний садоқат ва маънавий бурч ҳиссини ифода этади. Қуйидаги диалог эса қаҳрамоннинг ижтимоий сохтакорликка қарши ҳақиқат позициясини очиқ ифода этади:

«– Йўғ-э, раис кепқолса!.. Макказорга кетаётган экан ўзи…

– *Макка эмиш! Давлат эмиш! Ўзининг ҳув адир этагидаги ўғринча экинзорига оқиб ётибди, билдинг! Бобойларнинг даври бошқача эди, братан, бошқача! Сенлар билмайсан – салагасанлар-да. Болта Мардон деб қўйибдилар, Болта Мардон!»*[1]

Киноқиссада Ўрин Жага «қалб кўзи очиқ» қаҳрамон сифатида намоён бўлади. Ёзувчи мазкур образ орқали асарда ҳақиқат ва виждон мезонларини ифода этувчи қаҳрамонга алоҳида бадиий функция юклайди. Натижада Ўрин Жага «Сув ёқалаб» киноқиссасида ташқи безорилик ниқоби ортида виждонли ва ҳақиқатгўй қаҳрамон сифатида шакллантирилади. Бу образ девонасифат типнинг кароматгўй эмас, балки ҳаётий, реалистик ва ахлоқий мазмунда қайта талқин қилинган замонавий намунаси ҳисобланади.

Эркин Аъзамнинг «Танҳо қайиқ» киноқиссасида Орол бобо ташқи тасвирда жамият томонидан реал ҳаётдан узилгандек қабул қилинадиган, ғайриоддий турмуш тарзига эга далли девона, телбароқ образ сифатида намоён бўлади. Асар матнида бунга бир неча бор ишора берилади: «Орол бобо. ... Йўқса, мендек бир девонага қўшилиб қайиқ ясаб ўтирармидиларинг!..» (177-бет), «Ўтаган (ижирғаниб). Э-э, алжирама, тентак чол!» (188-бет), «Генжамурод (нафсонияти қўзиб). Бобонг нима соғ эканми, ҳамма уни «девона, савдойи» деб юради-ку!..» (202-бет) (Таъкидлар бизники – О.Ш.)

Атрофдагилар Орол бобони жамият меъёрларига мос келмайдиган, «реал ҳаётдан узилган» шахс сифатида қабул қиладилар. Бу Михаил Бахтиннинг қуйидаги фикрларига тўла мос келади: «Уларнинг (айёр, телба, масхарабоз образлар назарда тутилмоқда – О.Ш.*) асл хоссаси ва ҳуқуқи бу дунёга* бегоналигидир. *Ҳаётда мавжуд ҳолатларнинг бирортаси билан улар келишолмайдилар. Турмушдаги ҳеч нарса уларни қониқтирмайди. Улар ҳар қандай турмуш нишонининг тескари томонини, ёлғонини кўриб, англаб турадилар»*[2].

Бироқ муаллиф ушбу ташқи «девоналик» орқали қаҳрамоннинг руҳий теранлиги, хотирага садоқати ва йўқотилган муҳит билан боғлиқ ички дунёсига эътибор қаратади. Шу жиҳатдан Орол бобо фақат индивидуал характер даражасида қолмай, балки Орол фожеасининг инсон тақдиридаги бадиий инъикоси сифатида шакллантирилади.

Адиб бадиий структура орқали ўқувчини бошқа хулосага етаклайди: қаҳрамон воқеликдан узилмаган, аксинча, унинг ички моҳиятини бошқалардан кўра чуқурроқ ҳис қилади. Бу ҳолат қаҳрамоннинг ички эътиқоди ва орзуси орқали очилади. Орол бобонинг денгизнинг яна қайта тўлиши ҳақидаги инончи бадиий мантиқ нуқтаи назаридан қаҳрамоннинг умидворлик ҳолатини ифода этади. Орол бобо учун Орол денгизи жўғрофий объектгина эмас, балки ҳаёт маъноси ва хотира макони ҳисобланади.

Асардаги қулоқбоши макони муҳим рамзий юкламани олади. У сув йўли билан боғлиқ чегара нуқта бўлиб, қаҳрамоннинг ўтмиш хотираси ва ҳозирги воқелик ўртасидаги ўтиш ҳудуди вазифасини бажаради. Орол бобо учун қулоқбоши фақат техник иншоот эмас, балки Орол билан руҳий алоқани сақлаб турган рамзий боғловчи макондир. Шу жиҳатдан у «чегара макон» вазифасини бажариб, қаҳрамон онгидаги хаёл ва реаллик, хотира ва бугунги кун ўртасидаги зиддиятларни визуаллаштиради.

Ҳовлидаги барча предметларнинг қайиқ шаклига яқинлаштирилиши (эшик-дераза қасноқлари, нарвон-қайиқ, том устидаги қайиқ-ётоқ) маконнинг умумий семантик тизимини янада кучайтиради. Бу ҳолат ҳовлини «қуруқликдаги денгиз» моделига айлантиради. Реал сув мавжуд бўлмаган маконда қайиқларнинг ҳаддан ортиқ кўплиги қаҳрамон орзуси билан реал воқелик ўртасидаги драматик қарама-қаршиликни ифодалайди.

[1] Аъзам Э. Сув ёқалаб / Танҳо қайиқ: киноқиссалар. – Т.: Шарқ, 2017. – Б.20.

[2] Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари (тарихий поэтикадан очерклар). Рус тилидан Узоқ Жўрақулов таржимаси. – Т.: Akademnashr, 2015. – Б.137.

Том устидаги қайиқ марказий рамзий нуқта ҳисобланади. Бу жой қаҳрамоннинг «ётоғи» сифатида берилган бўлиб, у ерда Орол бобо хаёл ва уйқу орқали «сувга қайтиш» тажрибасини бошдан кечиради. Том – ер билан осмон ўртасидаги оралиқ макон бўлиб, у руҳий кўтарилиш ва ички англаш жараёни ҳолатларини ифодалашга хизмат қилади. Шу маънода қайиқ-ётоқ қаҳрамон учун рамзий саёҳат нуқтасига айланади. «Қулоқбоши–ҳовли» макони асарда фақат жой сифатида эмас, балки қаҳрамон онгининг бадиий модели сифатида гавдаланади. Унда ташландиқ воқелик, ўтмиш хотираси, ижодий ҳаракат ва орзу фазолари бир нуқтада туташади.

Орол бобонинг ҳар кеча қайиққа чиқиб «сувда қузаётгандек» бўлиши образни реалистик қолипдан рамзий-поэтик фазога кўтаради. Бу ҳаракат ташқи жиҳатдан ғайримантиқий кўринса-да, қаҳрамоннинг хотира ва орзу маконида яшаши, ўтмиш билан руҳий алоқани сақлаб қолишга интилиши сифатида талқин қилинади. **Шу тариқа ички ҳаракат ташқи ҳаракатдан устун қўйилади: қаҳрамон воқеликда эмас, руҳий маконда ҳаракат қилади.**

Натижада Орол бобо образи индивидуал қаҳрамон чегарасидан чиқиб, йўқотилган муҳит фожеасини, хотирага садоқат ва ижтимоий-ахлоқий қаршилик руҳини ифода этувчи типологик образ даражасига кўтарилади.

Орол бобонинг шогирдларига қайиқ ясаш ҳунарини ўргатиши асарда оддий меҳнат жараёни сифатида эмас, балки чуқур рамзий ва ғоявий юкламага эга бадиий ҳаракат сифатида талқин этилади. Мазкур фаолият қаҳрамоннинг Оролнинг қайта тўлишига бўлган ички ишончи ҳамда умид поэтикаси билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади. Қаҳрамон учун қайиқсозлик фақат ҳозирги эҳтиёжларга хизмат қилувчи касбий фаолият эмас, балки келажакка йўналтирилган тайёргарлик шаклидир. У Орол қайта сувга тўлган тақдирда мазкур муҳит учун зарур бўладиган анъанавий ҳунарнинг узлуксизлигини таъминлашга интилади. Шу маънода шогирдлар орқали ҳунарни авлодга узатиш жараёни ворисийлик ва тажриба давомийлигини таъминловчи механизм сифатида намоён бўлади.

Асарда шогирдлар қаҳрамоннинг орзуси, қадриятлар тизими ва ҳаёт фалсафасини қабул қилувчи маънавий ворислар сифатида моделлаштирилади. Б**у ҳолат қайиқ ясаш мотивини меҳнат поэтикаси билан бир қаторда умид ва хотира поэтикаси кесишган концептуал нуқтага олиб чиқади.**

Шу маънода Орол бобонинг қайиқсозлик фаолияти «Танҳо қайиқ» киноқиссасида йўқотилган табиий муҳит фожеасига қарши ғоявий қаршилик шакли ҳамда келажакка қаратилган ишончнинг бадиий ифодаси сифатида намоён бўлади.

Орол бобо асарда донишманд чол қиёфасида гавдаланади. Унинг бутун ҳаёт йўли ва дунёқараши Орол денгизи билан узвий боғланган. Қаҳрамон қуриб қолган денгизнинг яна қайта тўлишига ишонади ва келажак авлоднинг ушбу табиий муҳитдан баҳраманд бўлишини орзу қилади. Бироқ бу орзу ва эътиқодни унинг атрофидагилар эмас, асосан, шогирдларигина англайдилар.

Қаҳрамоннинг ижтимоий муҳит билан тўқнашуви фарзандлари билан муносабатида намоён бўлади. Ўғил ва қизнинг Орол бобони «меъёрдан чиққандек» баҳолаб, уни мажбурий равишда жиннихонага жўнатиши асарда ички ҳақиқат билан ташқи ижтимоий меъёрлар ўртасидаги зиддиятни очиқ ифода этади. Бу эпизод қаҳрамоннинг фожеавий тақдирини чуқурлаштириб, унинг маънавий ёлғизлигини бадиий жиҳатдан кучайтиради.

Орол бобонинг ўғли Қалимбет билан мулоқотларига назар солсак:

Орол бобо. ... Қулоғингга қуйиб олгин, бола: тоза кўнгил билан қилинган ишнинг дуоси ўзи билан бўлади! (178-б);

Қалимбет. Эски ашула! Ўзингиз биласиз-ку, ота. Оролингиз энди ҳеч қачон тўлмайди. Қайиқларингиз ҳам бировга кераксиз...

Орол бобо *(шахт бош кўтариб, жўшиб)*. Ҳа, тўлмайди! Ҳукуматинг ҳам, олиму уламонг ҳам уни тўлдиролмайсан! Чунки баринг фойдани кўзлайсан! Худо сенларга инсоф берган куни тўлади у! (Оғир хўрсиниб.) Ўша кунни кўриб ўлсам армоним қолмасди. (180-бет.)

Қалимбет (бўғилиб). Мендан нима гуноҳ ўтди, ота? Айбим – сизни ҳажга жўнатмоқчи бўлганиму янги уй тортиқ қилганимми?!

Орол бобо (ортига ўгирилиб). Беайб – парвардигор, менинг ҳам гуноҳим бор бу дунёда. Нималигини айтайми? Сени, сендайларни дунёга келтирганим!.. (196-бет).

Асарда қаҳрамон ташқи ижтимоий мезонлар нуқтаи назаридан «телба», «девона» сифатида баҳоланса-да, у аслида руҳий носоғлом шахс эмас, балки жамиятда устувор бўлган манфаатга асосланган қарашларга мос келмайдиган «бегона» қиёфа сифатида шакллантирилган. Шу маънода Орол бобонинг «бегона»лиги унинг воқеликдан узилиши эмас, аксинча, ҳаётнинг ички моҳиятини бошқаларга нисбатан чуқурроқ ҳис этиши билан боғлиқдир. Қаҳрамон Орол фожеасини фақат табиий муҳит муаммоси сифатида эмас, балки инсон маънавиятидаги бузилишлар билан боғлиқ ҳолда англайди ва айнан шу қараш уни

атрофдагилардан ажратиб туради.

Бахтин таъкидлаган ошкор қилиш ва танқидий муносабат механизми Орол бобо нутқида ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Қаҳрамон киноя ва танқидий муносабат орқали жамиятда шаклланган сунъий қадриятларни фош этади. Шу тариқа, Орол бобо образи «телбалик» белгиси эмас, балки ижтимоий қолиплардан четда турган, ҳақиқатни айтишга қодир шахс сифатида талқин этилади. Бу ёндашув киноқиссада қаҳрамон қиёфасининг ғоявий-маънавий қирраларини чуқурлаштириб, уни инсон, табиат ва жамият ўртасидаги зиддиятларни ўзида жамлаган марказий бадиий образ сифатида шакллантиради ва мустаҳкамлайди.

Резюме. Мақолада Эркин Аъзамнинг «Сув ёқалаб» ва «Танҳо қайиқ» киноқиссаларидаги телба образининг бадиий талқини таҳлил қилинади. Жаҳон адабиётида шаклланган «телба» ёки масхарабоз типининг поэтик анъаналарига назар ташланиб, ушбу типнинг ҳақиқатни ошкор қилиш ва ижтимоий ниқобларни фош этиш функцияси ёритилади. Асарлардаги Ўрин Жага ва Орол бобо образлари мисолида девонасифат қаҳрамонларнинг ташқи телбалик ниқоби ортида ҳақиқатгўйлик, виждон ва маънавий позицияни ифода этувчи бадиий механизм сифатида шаклланиши кўрсатилади. Тадқиқотда мазкур образларнинг ижтимоий-ахлоқий ва рамзий-поэтик функциялари очиб берилган.

Resume. This article examines the artistic interpretation of the «madman» image in Erkin A’zam’s film novellas *Suv yoqalab* and *Tanho qayiq*. The study refers to the literary tradition of the fool or madman figure in world literature, emphasizing its role in revealing truth and exposing social hypocrisy. Through the analysis of the characters O‘rin Jaga and Orol bobo, the paper demonstrates that the apparent madness of these figures functions as a poetic device expressing moral integrity, conscience, and truthfulness. The research highlights the symbolic, ethical, and poetic functions of this character type in the writer’s prose.

Резюме. В статье анализируется художественная интерпретация образа «безумца» в киноновеллах Эркина Аъзама «Сув ёқалаб» и «Танҳо қайиқ». Рассматриваются поэтические традиции образа шута или «безумца», сформировавшиеся в мировой литературе, а также их функция раскрытия истины и разоблачения социальных масок. На примере персонажей Ўрин Жага и Орол бобо показано, что внешняя «безумность» героев скрывает глубокий нравственный смысл, выражающий их верность правде и внутреннюю духовную позицию. В работе раскрываются социально-этические и символико-поэтические функции данного типа образа в прозе писателя.